Bank news

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда № 15 (518) 2006 йил 12 апрел

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

ҚОНУНИ

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН БАНК ТИЗИМИДА АХБОРОТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 16 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2006 йил 24 февралда маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Автоматлаштирилган банк тизими

Автоматлаштирилган банк тизими банк фаолияти соҳасида ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва ундан фойдаланишни амалга ошириш учун мўлжалланган ахборот тизимидир.

4-модда. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилишнинг мақсадлари

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

банкларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва банк сирини муҳофаза қилиш;

ахборотнинг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб қўйилиши, қалбакилаштирилиши ва ундан ўзгача тарзда рухсатсиз фойдаланилиши, шунингдек нусха олинишининг ҳамда автоматлаштирилган банк тизимига бошқача шаклдаги аралашувларнинг олдини олиш.

5-модда. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотнинг муҳофаза қилинишини ташкил этиш

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотнинг муҳофаза қилинишини ташкил этиш:

ахборотни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларга риоя этиш, шунингдек автоматлаштирилган банк тизимида ишлов бериладиган ахборотни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш;

сертификатланган техника воситалари ва ахборотни муҳофаза қилиш воситаларидан фойдаланиш;

автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш;

автоматлаштирилган банк тизимида ахборот тўплашга доир фаолиятни ва унга ишлов бериш усулларидан фойдаланишни мувофиқлаштириш йўли билан амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда).

БУ сонда:

3 *Электрон ҳужжат айланмаси: янги бошқарув даражаси*

4 *Аудит натижалари: «Ғаллабанк» РАТБ*

6-7 *Омонат ва сармоя*

ЛОМБАРДЛАР СОНИ ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 50-моддасига асосан "Real kredit" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) ломбард фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берди.

Бу мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаган саккизинчи ломбарддир.

Марказий банк Матбуот хизмати.

ҲУҚУҚИЙ МУҲИТНИ ЯХШИЛАШ УЧУН

Ўзбекистон раҳбарияти тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда, — деди республика адлия вазири Бўритош Мустафоев. Вазир яқинда амалга киритилган "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунни изоҳлаб, "Ўзбекистонда тадбиркорликни фаол ривожлантиришга халақит бераётган тўсиқлар бартараф этилмоқда", деди.

Б. Мустафоев ушбу ҳужжат, Президент ва ҳукуматнинг бир қатор бошқа қарорлари каби, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун янада қулай шароит яратишга, унинг фаол ривожланишига халақит бераётган тўсиқларни бартараф этишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтди.

Адлия вазирининг сўзларига қараганда, ушбу ҳужжат саккизта қонун ва битта ҳукумат қарорига ўзгартишлар киритишни назарда тутади. "Ҳамма ўзгартишлар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган", - деди Б. Мустафоев.

Маҳаллий ҳокимият органларидан улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берадиган рухсатнома олиш бекор қилиниб, бу фаолият тури лицензияланадиган фаолият турлари жумласига киритилади. Шу билан бирга улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия амал қилиш муддатини чекламаган ҳолда берилади.

"Мана шу янгиликлар туфайли тадбиркорлик субъектлари маҳаллий маъмуриятга ортиқча мурожаат қилишдан ва, шунга мувофиқ, мажбурий-маънавий ва моддий харажатлардан халос қилинади. Бу эса хусусий секторнинг илдам ривожланишини, мамлакат иқтисодиётида унинг улуши ошишини таъминлаш имконини беради", - деб таъкидлади Б. Мустафоев.

Манба: Vesti.uz.

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 11 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	884,55
1 Англия фунт стерлинги	2120,30
1 Дания кронаси	197,35
1 БАА дирҳами	330,86
1 АҚШ доллари	1215,21
1 Миср фунти	211,51
1 Исландия кронаси	16,64
1 Канада доллари	1058,55
1 Хитой юани	151,71
1 Қувайт динори	4161,11
1 Россия рубли	44,02
1 Украина гривнаси	240,64
100 Ливан фунти	80,96
1 Малайзия рингити	331,35
1 Норвегия кронаси	187,27
1 Польша злотийси	370,95
1 Сингапур доллари	757,85
1 СДР	1756,78
1 Туркия лираси	908,91
1 Швеция кронаси	157,30
1 Швейцария франки	935,28
1 ЕВРО	1472,11
10 Жанубий Корея вони	12,78
10 Япония иенаси	103,05

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»: КРЕДИТ СИЁСАТИ АМАЛДА

Республикамизда тадбиркорлик тузилмаларига, кичик корхоналарни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Кредит бериш сиёсатини амалга оширишда, уни тартибга солиш, хатарларни бошқаришда ҳар бир банкнинг ўз стратегияси мавжуд.

Бу борада Ўзсаноатқурилишбанкда амалга оширилаётган ишлар юзасидан банкнинг Кредит хатарларини бошқариш департаменти директори Асрор Акромович АСҚАРОВ қуйидагиларни билдирди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан олиб борилаётган кредит сиёсати Ўзбекистонда ишончли кредитлаш тизимини ташкил этиш имконини берди. Чунки, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятининг устувор йўналишларидан саналади. Банк ўз маблағи ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан кичик бизнесни ҳам миллий, ҳам хорижий валютада муваффақиятли кредитлаб келмоқда. Масалан, ўтган 2005 йил мобайнида кичик бизнес субъектларига **20332,1** миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилган, шундан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш лойиҳаларига йўналтирилган кредитлар **15181,5** миллион сўмни ва ажратилган микрокредитлар **4556,2** миллион сўмни ташкил этади. Айтиш мумкинки, банк ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар **19254,0** миллион сўмни, Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги «Иш билан таъминлашга кўмаклашиш» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар **1078,1** миллион сўмни ташкил этди. Жорий йил мобайнида жами ажратилган кредитларнинг 8330,8 млн. сўми саноатга, 2546,0 млн. сўми қишлоқ хўжалигига, 3344,9 млн. сўми қурилиш ва маиший хизматга ва 6110,4 млн. сўми иқтисодиётимизнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган.

(Давоми 2-бетда).

АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 11 апрел ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1225,00	1230,00	1473,00	1493,00
"Асака" банки	1225,00	1230,00	1480,00	1485,00
"Ўзсаноатқурилишбанк"и	1225,00	1230,00	1474,00	1484,00
"Пахта Банк"	1227,00	1230,00	1485,00	1490,00
"Халқ банк"и	1227,00	1230,00	1473,00	1484,00
"Ипотекабанк"	1225,00	1230,00	1475,00	1485,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1219,00	1224,00	1475,00	1487,00
"ЎзДЭУбанк"	1220,00	1230,00	1486,00	1496,00
"Ғаллабанк"	1225,00	1230,00	1473,00	1492,00
"Трастбанк" АББ	1227,00	1230,00	1486,00	1496,00
"Алп Жамол банк"	1225,00	1230,00	1484,00	1491,00
"Алоқабанк"	1227,00	1230,00	1473,20	1495,30
"Ў-Т банк"	1228,00	1230,00	1474,00	1494,00
"Туронбанк"	1225,00	1230,00	1476,00	1482,00
"Равнақбанк"	1228,00	1230,00	1480,00	1495,00
"Савдогарбанк"	1225,00	1230,00	1475,00	1485,00
"Ипак йўли" банки	1225,00	1230,00	1483,97	1490,03
"Тадбиркорбанк"	1228,00	1230,00	1488,00	1490,00
"Туркистон" банк	1228,00	1230,00	1488,00	1491,00
"Даврбанк"	1226,00	1228,00	1480,00	1495,00
"Кредит-Стандарт" банки	1217,00	1230,00	1472,50	1490,00
"Капитал банк"	1228,00	1230,00	1472,20	1494,00
"Содерат банк"	1225,00	1230,00	1473,00	1493,00
"Ҳамкор" банк	1227,00	1230,00	1473,00	1492,00
"Универсалбанк"	1225,00	1230,00	1483,00	1490,00
"Парвинабанк"	1225,00	1227,00	1477,00	1486,00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН БАНК ТИЗИМИДА АХБОРОТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

6-модда. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотдан фойдаланиш

Автоматлаштирилган банк тизимидан фойдаланувчи автоматлаштирилган банк тизимида ахборот мулкдорининг рухсати билан ахборотдан фойдаланади.

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотдан ахборот мулкдорининг рухсатисиз фойдаланишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

7-модда. Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори юридик шахс бўлиши керак.

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори ахборот мулкдори ва автоматлаштирилган банк тизимидан фойдаланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиради.

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори ахборот мулкдорини ва автоматлаштирилган банк тизимидан фойдаланувчини автоматлаштирилган банк тизимида ахборотга ишлов бериш усулларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида хабардор қилиши, ахборот мулкдори ва автоматлаштирилган банк тизимидан фойдаланувчи эса таклиф этилган ишлов бериш усулларининг қўлланилишига рози эканлигини ва эътирозлари йўқлигини тасдиқлаши шарт.

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ ахборотнинг муҳофаза қилинишини таъминлаши ҳамда ахборот мулкдорини унинг ахбороти муҳофазаси бузилишининг барча ҳоллари тўғрисида хабардор қилиши шарт.

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори давлат сирларини ўз ичига олган ёки махфий ҳисобланган ахборотнинг муҳофаза қилинишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда таъминлаши шарт.

8-модда. Автоматлаштирилган банк тизимидаги техника воситаларини сертификатлаштириш

Автоматлаштирилган банк тизимидаги техника воситаларини, шунингдек бу тизимнинг давлат сирларини ўз ичига олган ёки махфий ҳисобланган ахборотга ишлов берувчи муҳофаза воситаларини (шу жумладан криптография воситаларини) сертификатлаштириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

9-модда. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизмати

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва банкларда автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилиши керак.

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизмати:

ахборотнинг сақланишини таъминлаш устидан назоратни ташкил этади;

ахборотни муҳофаза қилиш масалаларида услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тизимини лойиҳалаш, синовдан ўтказиш ва қабул қилиб олишда иштирок этади;

автоматлаштирилган банк тизимида ахборотдан рухсатсиз фойдаланишга уринишлар бўлганлиги, унга бошқача шаклда аралашилганлиги аниқланганда ҳамда тизимнинг ишлаш қоидалари бузилганда мазкур тизимдаги ахборотни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўради;

ахборотни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг ҳолати ва самарадорлигини таҳлил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

10-модда. Низоларни ҳал этиш

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

11-модда. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

12-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 4 апрел.

(«Халқ сўзи», 2006 йил 7 апрел).

ОТБ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАЪЛИМ СЕКТОРИДА

Ўзбекистон ҳукумати мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004-2009 йилларга мўлжалланган миллий дастурини амалга ошириш учун 1,2 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб этиши керак. Бу маблағнинг 240 млн. АҚШ долларига яқинини халқаро ва икки томонлама тараққиёт ташкилотлари беради. Дастурни шу тариқа молиялаш халқаро ёрдам мумкин қадар кўп фойда келтириши учун лойиҳаларни самарали бошқариш ва ишларни мувофиқлаштиришда ҳукумат зиммасига катта масъулият юклайди. Ишларнинг янада мукаммалроқ мувофиқлаштирилишига эришишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Донорлар фаолиятини мувофиқлаштириш маркази муҳим рол ўйнайди. Ушбу Марказ яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган донорларнинг 4-мувофиқлаштирувчи учрашувида ОТБнинг таълим соҳасидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган техникавий ёрдам лойиҳаси доирасида ташкил этилган эди. Учрашувни Осиё тараққиёт банки (ОТБ) билан Халқ таълими вазирлиги ўтказди. Марказ Ўзбекистонда таълимнинг мазмуни ва сифатини ошириш учун янги инвестициялар жалб этишда муҳим рол ўйнайди. Техникавий ёрдам кўрсатиш учун 400 000 АҚШ доллари миқдоридаги грант ОТБ томонидан 2005 йил декабр ойида тасдиқланган бўлиб, уни Япония ҳукумати махсус жамғарма орқали беради.

ОТБ Ўзбекистоннинг таълим секторини молиялаш бўйича етакчи ташкилотлардан бири бўлиб, иккита муваффақиятли якунланган инвестиция лойиҳасини амалга оширди. Битта дастурий ва учта лойиҳавий қарз амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, 2005 йилда маъқулланган Ўзбекистон умумий таълимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга оид янги лойиҳа бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. ОТБ ушбу сектор учун, жумладан, дарсликлар чиқариш ҳамда уларни ижарага бериш тизимини яратиш, таълим стратегиясини ислоҳ қилиш, қишлоқ мактабларини ривожлантириш, шунингдек ўрта махсус таълимни ривожлантиришга ёрдам бериш учун 260,5 млн. АҚШ доллари миқдорида қарз маблағлари ажратди.

Булардан ташқари, ОТБ ушбу секторга 4,4 млн. АҚШ доллари миқдорида техникавий ёрдам кўрсатиш бўйича 11 та лойиҳани тақдим этди.

Ўзбекистон ОТБга 1995 йилда кирган. Ўзбекистонга берилган қарз маблағларнинг умумий суммаси 2006 йил 15 март санасига 19 та лойиҳа бўйича 914,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шунингдек, ОТБ жами 32 млн. АҚШ доллари миқдоридаги техникавий ёрдамни ҳам маъқуллади.

Галина ЗАРЕЦКАЯ.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»: КРЕДИТ СИЁСАТИ АМАЛДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республика ҳукуматининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банкларининг иштирокини рағбатлантиришга оид қарори асосида банкда **9410,2** миллион сўм миқдорида Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ташкил этилган бўлиб, ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларининг умумий ҳисобда **16891** миллион сўмлик, шундан 2005 йил мобайнида **5200,5** миллион сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар имтиёзли кредитлар ҳисобидан қишлоқ хўжалик техникалари, минерал ўғитлар, уруғлик ва кўчатлар, хом ашё, қурилиш материаллари ва ҳар хил ускуналар сотиб оладилар.

Умуман банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратаётган кредитлар туфайли 4545 та янги иш ўринлари яратилди ва 4100,0 млн. сўм миқдордаги халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилди. Кредит тақдим этиш жараёнида маҳаллий хом ашё базасига асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этаётган қарз олувчиларга имтиёзлар берилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан 2005 йил мобайнида кичик бизнес субъектларига қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга **2546,0 млн.сўмлик** кредитлар ажратилган бўлиб, шундан фермер хўжаликларини ривожлантиришга, яъни қишлоқ хўжалиги техникалари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун мини технологиялар, чорва моллари, минерал ўғитлар, уруғлик ва кўчатликлар сотиб олиш учун **1470,0 млн.сўм** кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, Ўзсаноатқурилишбанк томонидан 2005 йилда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла ҳосили етиштирувчи жами 988 та қишлоқ хўжалик корхоналарига моддий-техника ресурслари билан таъминлаш учун **3112,0** миллион сўм, яъни 2004 йилга нисбатан 5,5 баравардан зиёдроқ, шундан 806 та хўжаликка пахта етиштириш харажатларига 2964,7 миллион сўм ва 182 та хўжаликка ғалла етиштириш харажатларига 147,3 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Натижада, 2005 йилда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла ҳосили етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган имтиёзли кредитлар ҳисобига қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан давлат эҳтиёжлари учун 14855 тоннадан ортиқроқ бўлган 1232,9 миллион сўм миқдордаги ғалла ҳамда 36500 тоннадан ортиқроқ бўлган 8212,5 миллион сўм миқдордаги пахта етиштирилишига эришилди.

2006 йилда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла ҳосили етиштирувчи жами 921 та қишлоқ хўжалик корхоналарига **1153,4** миллион сўм, шундан пахта етиштириш харажатларига 611 та хўжаликка 878,4 миллион сўм ва ғалла етиштириш харажатларига 310 та хўжаликка 275 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» қишлоқ хўжалик корхоналарини нафақат имтиёзли кредит бериш билан қўллаб-қувватламоқда, балки ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда, молиявий маблағларни бошқаришда маслаҳат бериш, лойиҳалар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқарилган маҳсулот маркетингини ташкил этишда ҳам уларга кўмаклашиб келмоқда. Банкнинг жойлардаги мутахассислари томонидан хизмат кўрсатилаётган ширкат ва фермер хўжаликларига кредитлашнинг янги тартиблари бўйича ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Аҳолини маҳаллий товарларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан мамлакатимизнинг нуфузли ишлаб чиқариш корхоналари билан кенг кўламда ҳамкорлик ишларини йўлга қўйган.

Биргина 2005 йил мобайнида банк истеъмол кредитидан фойдаланувчи 4692 нафар аҳолига 40938,2 миллион сўмдан ортиқроқ, яъни 2004 йилга нисбатан 2,5 баравардан зиёдроқ кредит маблағлари ажратилди.

Аҳолини узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида банк томонидан янги кредитлаш тартиби жорий қилинди, яъни ҳужжатларни соддалаштирилган тартибда кредитлаш жараёни йўлга қўйилган. Унга кўра мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилишга кредит йиллик 11 фоиз устама билан, хорижий маҳсулотлар харид қилиш учун йиллик 12 фоиз устама билан кредитлар ажратилмоқда.

Эъзоз КАМОЛОВА.

2006 йил 4 апрелдан 10 апрелгача бўлган даврда АҚШ долларининг миллий валюталарга нисбатан курсидаги ўзгаришлар*

1 АҚШ доллари

Россия Федерацияси
04.04.2006 й.да - 27,77 росс. рубли
05.04.2006 й.да - 27,69 росс. рубли
06.04.2006 й.да - 27,56 росс. рубли
07.04.2006 й.да - 27,53 росс. рубли
08.04.2006 й.да - 27,61 росс. рубли

Украина
05.04.2006 й.да - 5,0500 гривна
06.04.2006 й.да - 5,0500 гривна
07.04.2006 й.да - 5,0500 гривна

Беларус Республикаси
04.04.2006 й.да - 2150,50 бел. рубли
05.04.2006 й.да - 2150,50 бел. рубли
06.04.2006 й.да - 2150,00 бел. рубли
07.04.2006 й.да - 2150,50 бел. рубли
10.04.2006 й.да - 2150,50 бел. рубли

Эстония
04.04.2006 й.да - 12,8463 крона
05.04.2006 й.да - 12,7541 крона
06.04.2006 й.да - 12,6982 крона
07.04.2006 й.да - 12,8421 крона
10.04.2006 й.да - 12,9119 крона

Латвия
04.04.2006 й.да - 0,5713 лат
05.04.2006 й.да - 0,5672 лат
06.04.2006 й.да - 0,5647 лат
07.04.2006 й.да - 0,5711 лат
10.04.2006 й.да - 0,5740 лат

Литва
04.04.2006 й.да - 2,8347 лит
05.04.2006 й.да - 2,8145 лит
06.04.2006 й.да - 2,8025 лит
07.04.2006 й.да - 2,8326 лит
10.04.2006 й.да - 2,8498 лит

Қирғизистон Республикаси
08.04.2006 й.да - 41,1326 сом

Тожикистон Республикаси
04.04.2006 й.да - 3,2134 сомоний
06.04.2006 й.да - 3,2136 сомоний
07.04.2006 й.да - 3,2138 сомоний

Қозоғистон Республикаси
04.04.2006 й.да - 128,75 тенге
05.04.2006 й.да - 128,73 тенге
06.04.2006 й.да - 128,71 тенге
07.04.2006 й.да - 128,83 тенге
10.04.2006 й.да - 128,89 тенге

Швейцария
04.04.2006 й.да - 1,2985 швейц. франки
05.04.2006 й.да - 1,2889 швейц. франки
06.04.2006 й.да - 1,2813 швейц. франки
07.04.2006 й.да - 1,2938 швейц. франки
10.04.2006 й.да - 1,2993 швейц. франки

Япония
04.04.2006 й.да - 117,49 япон иенаси
05.04.2006 й.да - 116,91 япон иенаси
06.04.2006 й.да - 117,36 япон иенаси
07.04.2006 й.да - 117,79 япон иенаси
10.04.2006 й.да - 117,93 япон иенаси

1 Англия фунт стерлинги
Буюк Британия
04.04.2006 й.да - 1,7460 АҚШ долл.
05.04.2006 й.да - 1,7578 АҚШ долл.
06.04.2006 й.да - 1,7584 АҚШ долл.
07.04.2006 й.да - 1,7494 АҚШ долл.
10.04.2006 й.да - 1,7448 АҚШ долл.

1 евро
Евроминтақа
04.04.2006 й.да - 1,2176 АҚШ долл.
05.04.2006 й.да - 1,2266 АҚШ долл.
06.04.2006 й.да - 1,2232 АҚШ долл.
07.04.2006 й.да - 1,2180 АҚШ долл.
10.04.2006 й.да - 1,2114 АҚШ долл.

**** Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.***

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНМАСИ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ДАРАЖАСИ

Республика халқ хўжалигининг турли тармоқларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга жуда катта эътибор берилмоқда. Ахборотлаштириш муаммолари "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Қонунлар, шунингдек, "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Президент Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан ҳал қилинмоқда.

Ҳозирги вақтда электрон ҳужжат айланмаси кўпгина илғор ташкилотларни бошқариш самарадорлигини оширишнинг таъсирчан воситаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу шунчаки "модага эргашиш" эмас. Бу тўлақонли электрон ҳужжат айланмаси тизимини жорий этишнинг афзалликларини англаб етиш натижасидир. Тизимнинг асосий вазифаси ҳужжатлар билан ишлаш учун замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, ходимлар ўртасида коммуникациялар тизимини такомиллаштириш ҳамда ташкилотнинг билимлар базасини жамғариш ҳисобига бошқарув жараёнларини янги сифат босқичига кўтаришдан иборатдир.

Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш тартибини ўрганиш, тизим янгиликларидан хабардор бўлиш мақсадида ахборот технологиялари тизимидаги йирик компаниялардан бири — "Intelligent Solutions" компаниясига мурожаат қилдик.



- Бизга маълум бўлишича, компаниянгиз энг сўнгги маҳсулоти, яъни электрон ҳужжат айланмаси тизимини жорий этишни йўлга қўйган ва у бир нечта корхона ва ташкилотларда самарали амалга оширилмоқда. Умуман, сўнгги вақтларда электрон ҳужжат айланмаси тизимларига катта эътибор берилаётганлигининг боиси нима?

Одил Абдураҳмонович АБДУЛЛАЕВ – "Intelligent Solutions" компаниясининг тизим бўйича таҳлилчиси.

Корпоратив ҳужжат айланмаси тизимларига катта эътибор берилаётганлиги сўнгги вақтларда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш учун ички жараёнларни қайта ташкил этиш ва инновация бошқарув усулларини жорий этиш зарурлигини тушуниб етиш билан боғлиқ. Шу муносабат билан ҳужжат айланмаси тизимлари ташкилот инфратузилмасида муҳим рол ўйнамоқда. Ҳужжат айланмаси тизимларини ривожлантириш учун мамлакатимизда зарур меъёрий-ҳуқуқий ва инфратузилмавий база яратилмоқда. 2006 йил 15 мартда биринчи электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази очилганлиги бу соҳадаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Ушбу марказ билан ҳамкорлик қилиш давлат миқёсида сертификатланган воситалар орқали ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган ечимларни тақдим этиш имконини беради.

- "Intelligent Solutions" компанияси электрон ҳужжат айланмаси тизимлари соҳасида қандай фаолият юритмоқда ва "Капиталбанк" АТБда ушбу тизим муваффақиятли жорий этилганлигининг сири нимада?

Тоира Зариповна СОЛИҲОВА – "Intelligent Solutions" компаниясининг лойиҳа менежери.

Компаниямиз дастурий маҳсулотлар бозорида олти йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу давр мобайнида биз мамлакатимизнинг турли давлат идоралари ва ташкилотларида, чунончи, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида ҳам, ҳорижда ҳам электрон ҳужжат айланиши тизимларини жорий этдик. Мутахассисларимиз Қозоғистон Республикаси давлат органларининг ягона электрон ҳужжат айланмаси тизимини яратиш лойиҳасида қатнашдилар. Бу ҳол ҳужжатларни бошқаришнинг мураккаб тузилмаларини ҳамда уларни жорий этиш усулларини яратиш борасида салмоқли тажриба орттирганимизни кўрсатади. Ана шу бой тажриба «Капиталбанк» АТБ билан самарали ҳамкорликнинг бош омили бўлди.

"Капиталбанк" АТБда жорий этилган "IS-Docflow" электрон ҳужжат айланмаси тизими Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идорасида 06.12.2005 да DGW 01025 рақами билан рўйхатга олинган.

Ҳужжат айланмаси тизимидан самарали фойдаланишнинг муҳим омили технологик интизомни назорат қилиш ҳамда ахборот билан ишлашдаги мавжуд қоидалар ва тартибларга риоя этишдан иборат. "Капиталбанк" АТБда электрон ҳужжат айланмаси тизимининг муваффақиятли жорий этилиши ҳам банк раҳбарияти билан яқиндан ҳамкорлик қилиш натижасидир. Лойиҳани амалга оширишда "Капиталбанк" АТБ бошқаруви раиси Мақсуд Абдуллаевич Абдусаматов муҳим рол ўйнаганини алоҳида таъкидлаш лозим, чунки айнан шу киши туфайли лойиҳа бу қадар намунали бўлиб чиқди.

- Электрон ҳужжат айланмаси тизимини жорий этиш банкни бошқариш учун қандай аҳамиятга эга?

Бобур Умаралиевич НОРМАТОВ – "КАПИТАЛБАНК" АТБ бошқаруви раисининг ўринбосари.

Тижорат ташкилотлари учун ахборот технологияларидан фойдаланиб бизнес юритиш муваффақият, етакчилик ва устунлик гаровидир. Шу сабабли, банкимиз ташкил этилган дастлабки кунларданоқ энг замонавий банк маҳсулотларини жорий этиш асосий йўналишлардан бири қилиб белгиланди. Корпоратив электрон ҳужжат айланмаси тизимини жорий этиш ана шу устувор йўналишнинг бир қисмидир. Бундай тизимдан самарали фойдаланиш туфайли ахборотни излаш ва қайта ишлаш, ҳужжатларни ижрочиларга етказиш тезлашади. Тез ва аниқ ишлаш банк имижининг ва корпоратив маданиятнинг реал жиҳатларига айланади. Ҳужжатлар билан ишлашнинг барча бўлинмаларни қамраб оладиган ягона технологиясидан фойдаланиш, жавобгарликни аниқ белгилаб қўйиш янги ходимларнинг ишга мослашишига ёрдам беради. Шу муносабат билан ходимлар малакасига қўйиладиган талаблар ошиб бормоқда, янги ахборот технологияларини эгаллаган ходимлар сони кўпаймоқда. Корпоратив ҳужжат айланмаси тизимини жорий этиш тажрибаси янгиликларни идрок этиш қобилияти учун фойдали бўлиши мумкин.

Корпоратив ҳужжат айланмаси тизимининг асосий вазифаси бошқарувни ахборот билан таъминлашни такомиллаштиришдан иборат бўлиб, банк менежменти сифатини оширишнинг муҳим воситаси бўлмоқда.

- Электрон ҳужжат айланмаси тизими банкнинг таркибий бўлинмаларида қандай рол ўйнамоқда?

Дилором Турғуновна ШАРИПОВА – Корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш департаменти директори.

- Банкларда ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишнинг ҳозирги тартиби ҳужжатлар билан катта ҳажмда иш олиб боришни талаб қилади. Излаш, тасдиқлаш ва келишиш анча мураккаб ва машаққатли ишга айланиб бормоқда, уларни бартараф этиш имкониятига эга эмасмиз. Бундай вазиятда бирдан-бир самарали ёндашув замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳамда ҳужжатлар билан ишлашнинг ҳамма босқичларини максимал даражада автоматлаштиришдан иборатдир. Ҳужжатлар билан ишлашнинг мутлақо янги воситаси бўлган электрон ҳужжат айланмаси тизимини йўлга қўйиш ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилишни яхшилади ва шунинг самараси ўлароқ, ижро интизоми даражасини оширди. Ҳозир ҳужжатларни ижрочиларга етказиш, келишиш ва қарорлар қабул қилиш соатлар билан эмас, дақиқалар билан ўлчанади. Бу ҳол мижозларга анча тез хизмат кўрсатилишини таъминламоқдаки, бу департамент иши учун муҳимдир.

Хабар беришнинг қулай кичик тизими ҳам банк мижозларига тез ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадига хизмат қилмоқда – ходим ўзига тегишли янги хат-ҳужжатлар юборилган барча ҳолларда ҳатто тизимдан ташқарида бўлган вақтида ҳам бу ҳақда хабар олади.

- Электрон ҳужжат айланмаси тизимини жорий этиш туфайли қандай масалалар ўз ечимини топди?

Марина Мухтарходжаевна ТУРДИЕВА — "Капиталбанк" АТБ котибият бошлиғи – буюртмачи томонидан лойиҳа менежери.

Банкда электрон ҳужжат айланмаси тизимининг жорий этилиши котибият ва умуман ҳужжатлар билан таъминлаш хизматининг ролини ўзгартириб юборди. Тизимни жорий этиш даврида котибият ўзига хос инновация-услубий марказ бўлиб қолди. Янги иш тартибларини мустаҳкамлайдиган ташкилий-топшириқ ҳужжатларини тайёрлаш юзасидан зарур иш олиб борилди.

Ҳужжат айланмасини анъанавий қоғоз усулида амалга ошириш котибият ишида кўп қийинчиликлар туғдирар эди:

- битта ҳужжатнинг бир нечта нусхасини яратиш;
- қоғозга ва ҳужжатлардан нусха кўчиришга маблағ сарфлаш;
- керакли ахборотни излаш, мавзу бўйича ҳужжатларни жамлаш, ҳужжатларни тайёрлаш, келишиш ва жўнатиш учун кўп вақт сарфлаш;
- кирувчи ва чиқувчи хат-ҳужжатларни кўп сонли дафтарларда қўлда рўйхатга олиш ходимларнинг асосий вақтини банд қилиб қўяр, ақлий меҳнат учун имконият қолдирмас эди;
- ҳужжатларни йўқотиб қўйиш хатари кучли бўлар эди.

Электрон ҳужжат айланмаси тизими жорий этилиши натижасида юқорида санаб ўтилган муаммолар бартараф этилди ва қуйидаги масалалар муваффақиятли ҳал қилинди:

- ҳужжатлар ўтишининг ошкоралиги – банкда ҳужжатнинг ўтиши ҳақида истаган вақтда хабардор бўлиш мумкин;
- ташқаридан олинган ва банкда тайёрланган ҳужжатдан фойдаланиш – ходимларнинг ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқлари аниқ ёзиб қўйилган қоидалар ва белгиланган регламентлар бўйича чегаралаб қўйилди;
- ҳужжатлар билан ишлаш самарадорлиги. Бунга ахборотни ўз вақтида олиш, ҳужжатларни яратиш, қайта ишлаш ва излаш вақтининг қисқариши, шунингдек банкда тўпланган тажрибадан фойдаланиш мумкинлиги ҳисобига эришилди.
- раҳбарнинг кўрсатма ёзувлари бўйича унинг котиби орқали маълумотлар базасини киритиш, ишни ташкил этиш.

Нима сабабдан айни "Intelligent Solutions" компанияси ва айнан IS Docflow тизими танлаб олинди?

- электрон ҳужжат айланмаси тизими вазифаларини банкнинг турли тузилмаларида босқичма-босқич жорий этишнинг қулайлиги;
- тизим ахборот хавфсизлигининг иккиёқлама даражаси;
- тизим фойдаланишга топширилгандан кейин бир йил мобайнида кафолатли кузатиб борилиши ва бунинг баҳоси тизимнинг асосий етказиб бериш нархига киритилиши;
- тизимнинг кўп тилда ишлаши. Иш юритиш вақтида миллий ҳарфлардан фойдаланиш имконияти;
- филиаллар билан тезкор усулда ҳамкорлик қилиш мумкинлиги;
- ташкилот раҳбариятининг аниқ миқдор ва сифат кўрсаткичлари асосида ҳужжатларни қайта ишлаш жараёнлари учун Тизим жорий этилишидан олдинги ва жорий этилганидан кейинги ҳолат ўртасидаги фарқни таққослаш имконига эга бўлиши. Бу ноёб хизматни "Intelligent Solutions" МЧЖ ходимлари амалга оширади. Улар халқаро функционал қиймат таҳлили (ФҚТ), (ABC – Activity Based Casting) стандартлари бўйича билимларга эга. Текшириш натижаларидан банкда корпоратив тизимдан фойдаланишни асослаш учун фойдаланиш мумкин. Бу босқич хизматлари **БЕПУЛ** кўрсатилади.

Т

«ҒАЛЛАБАНК»
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкни рўйхатга олиш рақами № 45
Манзил: 700060, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўч., 36.

ЙИҒМА БАЛАНС ҲИСОБОТИ
2005 йил 31 декабр ва 2004 йил ҳолатига

(минг сўм)

№	МОДДАЛАР	2005 йил	2004 йил
	АКТИВЛАР		
010	Нақд пуллар	2 338 817	880 768
020	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан олиниши керак бўлган пуллар	2 790 048	3 307 231
030	Бошқа банклардан олиниши керак бўлган пуллар	1 593 648	3 888 966
040	Олиш ва сотиш учун қимматли қоғозлар - савдо қоғозлари	0	0
041	- носавдо қоғозлар	0	
050	Ҳосила молиявий воситалар	0	379 477
060	Сотиш учун мавжуд бўлган нақд инвестициялар	0	0
061	- Сўндирилгунча ушлаб турилган инвестициялар	19 558	20 735
070	Тескари РЕПО	0	0
080	Мижозларга берилган кредитлар ва бўнаклар:	59 702 680	60 916 044
081	Минус: эҳтимолий зарарлар бўйича захиралар	(1 887 640)	(3 554 548)
082	Соф кредитлар ва бўнаклар	57 815 040	57 361 496
090	Молиявий ижара, соф ҳолида	222 172	276 766
100	Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар	126 382	166 627
101	Қўшма корхоналарга инвестициялар		
110	Гудвилл	14 000	15 092
120	Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)	5 727 223	4 646 394
130	Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича)	316 946	177 324
140	Бошқа ўз мулки	76 970	16 434
150	Солиқ талаблари	115 017	231 922
160	Бошқа активлар	745 793	777 870
	ЖАМИ АКТИВЛАР	*71 901 614*	*72 147 103*
	МАЖБУРИЯТЛАР		
	Депозитлар		
181	Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар	12 315 042	13 703 369
182	Жамғарма депозитлар	19 231	19 975
183	Муддатли депозитлар	7 376 299	9 065 250
184	Депозит сертификатлар	3 063 630	3 780 698
185	Ҳукумат ҳисобваракларн	20 640	8 329
190	Ҳамма депозитлар	22 794 842	26 577 621
200	Марказий банкка тўланиши керак бўлган маблағлар	17 799 962	19 250 450
210	Ҳукуматга тўланиши керак бўлган маблағлар	1 899 905	1 247 437
220	Бошқа банкларга тўланиши керак бўлган маблағлар	6 129 063	5 153 313
230	РЕПО ва бошқа қарз маблағлар	4 124 850	3 758 079
240	Ҳосила молиявий воситалар	0	0
250	Солиқ мажбуриятлари	582 618	510 929
260	Бошқа мажбуриятлар	600 556	455 311
270	Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар	173 215	347 039
280	Ҳамма мажбуриятлар	*54 105 011*	*57 300 179*
	Ўз сармояси		
300	Оддий акциялар	5 972 158	5 360 285
310	Имтиёзли акциялар	428 965	338 762
320	Акциядорлардан сотиб олинган ўз акциялари	0	0
330	Жами акциядорлик сармояси	6 401 123	5 699 047
340	Қайта баҳолаш захиралари	44 880	83 832
350	Тақсимланмаган фойда (тўпланиб қолган тақчиллик)	11 350 600	9 064 045
360	Жами ўз сармояси	*17 796 603*	*14 846 924*
370	ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА ЎЗ САРМОЯСИ	*71 901 614*	*72 147 103*

ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2005 йил 31 декабр ва 2004 йил ҳолатига

(минг сўм)

№	Моддалар	2005 йил	2004 йил
	Фоиз даромади		
011	Кредитлар бўйича фоиз даромади	8 963 797	11 796 908
012	ЎзР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобваракларр бўйича фоиз даромади	796 815	20 988
013	Олиш ва сотишга мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича фоиз даромади - савдо қоғозлари	0	25
014	Олиш ва сотишга мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича фоиз даромади - носавдо қоғозлари		
015	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар бўйича фоиз даромади	0	0
016	Сўндирилгунча ушлаб турилган инвестициялар бўйича фоиз даромади	0	0
017	Тескари РЕПО битимлари бўйича фоиз даромади	0	0
018	Молиявий ижара бўйича фоиз даромади	18 843	8 899
019	Бошқа фоиз даромадлари	18 692 519	16 928 504
020	Жами фоиз даромадлари	28 471 974	28 755 324
	Фоиз харажатлари		
031	Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бўйича фоиз харажатлари	(155 318)	(182 624)
032	Жамғарма депозитлар бўйича фоиз харажатлари	(55 059)	(24 105)
033	Муддатли депозитлар бўйича фоиз харажатлари	(2 006 025)	(3 668 179)
034	Депозит сертификатлар бўйича фоиз харажатлари	(609 024)	(1 019 898)
035	Ҳукумат ҳисобваракларн бўйича фоиз харажатлари		
036	ЎзР МБга тўланадиган ҳисобваракларр бўйича фоиз харажатлари	0	0
037	Бошқа банкларга тўланадиган ҳисобваракларр бўйича фоиз харажатлари	(789 900)	(967 084)
038	Бошқа қарз маблағлар бўйича фоиз харажатлари	(4 450 138)	(4 164 144)
039	Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар бўйича фоиз харажатлари	(111 137)	(126 055)
040	РЕПО битимлари бўйича фоиз харажатлари	0	0
041	Бошқа фоиз харажатлари	(11 166 090)	(10 247 897)
050	Жами фоиз харажатлари	(19 342 691)	(20 399 986)
060	Соф фоиз даромади	9 129 283	8 355 338
070	Кредитлар бўйича эҳтимолий зарарлар захирасини баҳолаш	(578 233)	(968 953)
080	Захирани баҳолаш чиқариб ташланганидан кейинги соф фоиз даромади	8 551 050	7 386 385
	Фоизсиз даромад		
091	Воситачилик ва хизматлар учун ҳақ тўлашдан олинган даромад	4 566 892	3 972 782
092	Воситачилик ҳақлари тўлаш бўйича харажатлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш	(655 716)	(496 707)
093	Савдо операцияларидан кўрилган фойда (зарар)	1 935	2 090
094	Валюта операцияларидан кўрилган фойда (зарар)	496 889	511 415
095	Дивидендлар шаклидаги даромад	18 891	44 052
096	Инвестициялардан кўрилган фойда (зарар)		
097	Қарам хўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналарнинг фойдаси (зарари)	25 503	161 967
098	Соф пул моддалари бўйича фойда (зарар)	(248 087)	(209 558)
099	Бошқа операция даромадлари (харажатлари)	675 490	399 009
100	Жами фоизсиз даромад	4 881 797	4 385 050
	Операция харажатлари		
111	Ходимларга тўланган иш ҳақи ва бошқа харажатлар	(3 937 087)	(3 204 624)
112	Ижара ва сақлаб туриш харажатлари	(862 860)	(818 514)
113	Транспорт ва хизмат сафари харажатлари	(142 431)	(133 685)
114	Маъмурий харажатлар	(528 907)	(488 892)
115	Асосий воситаларнинг эскириши	(696 837)	(637 893)
116	Амортизация - номоддий активлар	(664 291)	(630 803)
117	Суғурталаш харажатлари, солиқлар ва бошқа тўловлар	(37 807)	(30 733)
118	Эҳтимолий зарарлар учун захирани баҳолаш	(13 395)	0
119	Бошқа операция харажатлари	(2 307 163)	(1 126 665)
120	Жами операция харажатлари	*(9 190 778)*	*(7 071 809)*
130	Даромад (фойда) солиғи тўланишидан олдинги соф фойда	4 242 069	4 699 626
140	Даромад (фойда) солиғини баҳолаш	(1 307 661)	(1 216 072)
150	Соф фойда (зарар)	2 934 408	3 483 554
160	Бир акцияга тўғри келадиган базавий фойда	0,0620	0,0575
170	Бир акцияга тўғри келган фойда	0	0

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2005 йил 31 декабр ва 2004 йил ҳолатига

(минг сўм)

№	Моддалар	2005 йил	2004 йил
	Операция фаолиятидан келган пул оқимлари		
020	Олинган фоизлар	28 471 974	28 755 324
030	Тўланган фоизлар	(19 342 691)	(20 399 987)
040	Воситачилик ва хизматлар учун ҳақ тарзида олинган пул маблағлари	4 566 892	3 972 782
050	Воситачилик ва хизматлар учун ҳақ тарзида тўланган пул маблағлари	(655 716)	(496 707)
060	Дилинг операциялари бўйича амалга ошган соф фойда (зарар)	1 935	2 090
070	Чет эл валютасидаги операциялар бўйича амалга ошган соф фойда (зарар)	496 889	511 415
080	Олинган дивидендлар	18 891	44 052
090	Ҳисобдан чиқарилган кредитлар ўрнини коплаш	0	0
100	Бошқа операция даромадлари (харажатлари)	700 993	560 976
110	Махсулот етказиб берувчиларга ва ходимларга тўланган пул маблағлари	(8 475 285)	(6 406 992)
120	Тўланган даромад (фойда) солиғи	(1 300 705)	(1 215 031)
130	Инфляциянинг операция фаолиятига таъсири	(230 908)	(174 033)
140	Операция активлари ва мажбуриятлардаги ўзгаришларга кадар операция фаолиятидан келган пул оқимлари	4 252 269	5 153 890
150	Операция активларининг соф (кўпайиши) камайиши		
151	ЎзР МБдаги мажбурий захира бўйича соф (кўпайиш) камайиш	727 652	(203 756)
152	Савдо қимматли қоғозларидаги соф (кўпайиш) камайиш	0	0
153	Сотиб олинган ва сотилган опционларнинг соф (кўпайиши) камайиши	379 477	(379 477)
154	Банкларга берилган кредитлар ва бўнакларнинг соф (кўпайиши) камайиши	2 608 803	(3 722 420)
155	Мижозларга берилган кредитлар ва бўнакларнинг соф (кўпайиши) камайиши	1 213 364	9 979 068
156	Бошқа активлардаги соф (кўпайиш) камайиш	148 983	454 508
160	Операция мажбуриятларидаги соф (кўпайиш) камайиш		
161	Депозитлардаги соф (кўпайиш) камайиш	(3 782 779)	(12 617 965)
162	ЎзР МБ ва ҳукуматга тўланадиган ҳисобваракларр бўйича соф (кўпайиш)	(798 020)	195 591
163	Бошқа банкларга тўланадиган ҳисобваракларр бўйича соф (кўпайиш) камайиш	975 750	1 825 743
164	Савдо мажбуриятлари бўйича соф (кўпайиш) камайиш	0	0
165	Бошқа мажбуриятлар бўйича соф (кўпайиш) камайиш	(201 794)	(19 428)
170	Операция фаолиятидан келган соф пул маблағлари	5 523 705	665 753
	Инвестиция фаолиятидан келган пул оқимлари		
190	Молиявий ижара бўйича тушумлар	49 135	(298 355)
200	Қимматли қоғозларни сотиб олиш, операция фаолияти деб ҳисобланадиганлардан ташқари	0	0
210	Қимматли қоғозларни сотиш, операция фаолияти деб ҳисобланадиганлардан ташқари	0	0
220	Сотиб олинган пул маблағларини чегириб ташлаганда, шўъба корхоналар, қарам хўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналарни сотиб олиш	0	0
230	Чиқиб кетган пул маблағларини чегириб ташлаганда, шўъба корхоналар, қарам хўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналарнинг чиқиб кетиши	41 745	115 759
240	Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш	(2 785 922)	(1 675 852)
250	Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиш	246 672	46 061
260	Инфляциянинг инвестиция фаолиятига таъсири	(347 660)	(216 960)
270	Инвестиция фаолиятидан келган соф пул маблағлари	(2 796 030)	(2 029 347)
	Молиявий фаолиятдан келган пул оқимлари		
290	Қарзга олинган маблағлар ва қарз қимматли қоғозлардан тушумлар	366 771	0
300	Қарзга олинган маблағлар ва қарз қимматли қоғозлар бўйича тўловлар	(173 824)	(3 254 983)
310	Молиявий ижара бўйича тўловлар	0	0
320	Акциялар чиқариш	1 030 596	1 074 196
330	Акцияларни бекор қилиш	0	0
340	Ўз акцияларини сотиб олиш	0	0
350	Сотиб олинган ўз акцияларини сотиш	0	0
360	Пул билан дивидендлар тўлаш	(1 319 000)	(1 219 694)
370	Инфляциянинг молиявий фаолиятга таъсири	(446 094)	(354 146)
380	Молиявий фаолиятдан келган соф пул маблағлари	(541 551)	(3 754 627)
390	Валюта курси ўзгаришининг пул маблағлари ва пул эквивалентларига таъсири	0	0
400	Инфляциянинг пул маблағлари ва пул эквивалентларига таъсири	(204 121)	(300 285)
410	Пул маблағлари ва пул унсурларининг соф кўпайиши	1 982 003	(5 418 505)
420	Йил бошидаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари	2 820 919	8 239 424
430	Йил охиридаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари	4 802 922	2 820 919

«ҒАЛЛАБАНК» АТБ АКЦИЯДОРЛИК САРМОЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА ЙИҒМА ҲИСОБОТ

2005 йил 31 декабр ва 2004 йил ҳолатига

(минг сўм)

N		Устав сармояси	Қўшилган сармоя	Сотиб олинган ўз акциялари	Жами акциядорлик сармояси	Захиралар	Тақсимлан-маган фойда	Жами ўз сармояси
010	2004 йилнинг 1 январига қолдиқ	8 583 740	0,0	0,0	8 583 740	3 677 119	1 546 014	13 806 873
020	Ҳисобга олишдаги ўзгаришлар самараси, солиқлар чиқариб ташланганида				0			0
030	- қайта ҳисоблангандан кейин				0			0
040	Даврда пайдо бўлган:				0			0
041	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар - адолатли баҳо бўйича соф фойда (зарар), солиқлар чегириб ташланганидан кейин				0			0
042	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захира				0	(5 461)		(5 461)
050	Суммаларни кўчириш				0			0
051	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар - фойда (зарар)га кўчириш, солиқлар чегириб ташланганидан кейин				0			0
052	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захиралардан кўчириш				0	(10 554)		(10 554)
060	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмаган соф фойда/(зарар)	0	0,0	0,0	0	(16 015)	0	(16 015)
070	Соф фойда	(3 917 576)			(3 917 576)	2 999 537	2 160 916	1 242 877
080	Тан олинган соф фойда/(зарар)	(3 917 576)	0,0	0,0	(3 917 576)	2 983 522	2 160 916	1 226 862
090	Оддий акциялар бўйича ўтган йилдан олдинги йилдаги дивидендлар				0		(1 024 104)	(1 024 104)
100	Имтиёзли акциялар бўйича ўтган йилдан олдинги йилдаги дивидендлар				0		(195 590)	(195 590)
110	Конвертацияланадиган облигациялар - улуш компоненти				0			0
120	Ўзининг сотиб олинган акцияларини харид қилиш/сотиш				0			0
130	Акциялар чиқариш	1 032 883			1 032 883			1 032 883
140	2005 йилнинг 1 январидаги жами қолдиқ	5 699 047	0,0	0,0	5 699 047	6 660 641	2 487 236	14 846 924
150	Даврда пайдо бўлган:							
151	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар - адолатли баҳо бўйича соф фойда (зарар), солиқлар чегириб ташланганидан кейин				0			0
152	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захира				0	(31 149)		(31 149)
160	Суммаларни кўчириш				0			0
161	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар - адолатли баҳо бўйича соф фойда (зарар)га кўчирма, солиқлар чегириб ташланганидан кейин				0			0
162	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захирадан кўчирма				0	(1 738)		(1 738)
170	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмаган соф фойда/(зарар)	0	0	0	0	(32 887)	0	(32 887)
180	Соф фойда	(328 520)			(328 520)	1 981 587	1 617 903	3 270 970
190	Тан олинган соф фойда/(зарар)	(328 520)	0	0	(328 520)	1 948 700	1 617 903	3 238 083
200	Оддий акциялар бўйича ўтган йилдаги дивидендлар				0		(1 175 000)	(1 175 000)
210	Имтиёзли акциялар бўйича ўтган йилдаги дивидендлар				0		(144 000)	(144 000)
220	Конвертацияланадиган облигациялар - улуш компоненти				0			0
230	Ўзининг сотиб олинган акцияларини харид қилиш/сотиш				0			0
240	Акциялар чиқариш	1 030 596			1 030 596			1 030 596
250	2005 йилнинг 1 январидаги қолдиқ	6 401 123	0	0	6 401 123	8 609 341	2 786 139	17 796 603

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги "HOLIS GURUH" аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2002 йил 28 январдаги 7-рақамли лицензияси) ва барча муҳим жиҳатлари бўйича Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот 2005 йил 31 декабр ҳолатига банк ҳисоботининг тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

БАНК ТИЗИМИДА КАДРЛАР СИЁСАТИ

Банк тизимида илгари банк мижозни танлаган бўлса, ҳозир мижоз банкни танлайди. Албатта, банкнинг қандай даражага етишиши аввало унинг ходимларига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бутун бир механизм ишлаб чиқилган бўлиб, у ходимларнинг сифат таркибини яхшилаш, малака ошириш, касбий-иқтисодий таълим ва ходимларни қайта тайёрлаш масалаларида ҳар томонлама фаолият юритишни кўзда тутади.

Кадрларнинг сифат таркибини яхшилаш узлуксиз жараён бўлиб, доимо давр талабларига мувофиқ равишда олиб борилади. Марказий банк ўзининг етарли кадрлар салоҳиятига эга. 1991 йилдан бошлаб банк ходимларининг таркиби сезиларли ўзгарди. Тизимда олий маълумотли мутахассислар сони кўпайди. Бу кўрсаткич 1991 йили 46 фоиз бўлган бўлса, 1995 йили 51 фоиз, 2000 йили эса 77 фоизга тенг бўлди. 2006 йил 1 январ ҳолатига ушбу кўрсаткич 92 фоизни ташкил этди. Йилдан-йилга банк ходимларининг таркиби ёш жиҳатидан ҳам ўзгариб бормоқда:30 ёшгача бўлган мутахассислар 1991 йили 19 фоиз бўлган бўлса, 2005 йилга келиб бундай ёшдагилар 40 фоизни ташкил этди.

Ҳозирги вақтда банк ишининг янги профессионалларини етиштириш ниҳоятда муҳим, - дейди биз билан суҳбатда Марказий банкнинг ходимлар билан ишлаш департаменти "Таълимни режалаштириш ва ходимларни қайта тайёрлаш" бошқармаси бошлиғи Ўғилой Абдуллаева. – Президентимиз Ислом Каримов "Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида"ги китобида банк хизматчиларининг масъулияти ва маданиятини оширишни устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида таъкидлаб ўтган. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги вақтда ҳаёт тақозо қилаётган долзарб масалаларни ижодий ҳал эта оладиган, ташаббускор, янгиликларни ҳис қилувчи, стратегик истиқболни олдиндан кўра биладиган ва бошқарувчилик маданиятига эга бўлган кадрлар зарур.

Раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун мўлжалланган ходимлар захирасига номзодлар киритиш вақтида биринчи навбатда уларнинг касбий тайёргарлиги, сиёсий етуклиги,ишга ижодий ёндашуви ҳамда ташкилотчилик қобилияти ҳисобга олинади. Ходимлар захираси билан ишлаш "Ўзбекистон Республикаси банк тизими муассасаларида раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун мўлжалланган ходимлар захираси билан ишлаш тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Номзодлар билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Банк-молия академияси, Минтақавий Банк ўқув маркази ва Марказий банк ҳузуридаги ўқув марказида ўқитиш ишлари олиб борилади. Ходимлар захираси таркибида 1991-2005 йилларда 750 нафардан ортиқ номзодлар ўз касбий даражаси ва малакасини оширди. Ёш, истиқболли ходимлар ишга кирган вақтдан бошлаб хизматда ўсиб бориши, бир лавозимдан иккинчисига кўтарилиши ва ҳозирги вақтда эгаллаб турган лавозими бўйича даврий равишда таҳлил қилиб келинмоқда. Бундай таҳлил ходимларнинг лавозим бўйича ўсишини тўлиқ кузатиб бориш учун имкон беради.

Марказий банк тизимида мураббийлик ҳаракатини ташкил этиш, ёш мутахассисларни кўп йиллик тажрибага, кучли билим, юқори малакага эга бўлган ходимларга бириктириб қўйиш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Марказий банк тизимида раҳбар ходимларни тайёрлаш йўналишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда Банк-молия академияларида иқтисод магистрлари тайёрлашда яқиндан ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Марказий банк соҳада кадрлар етишмовчилигини бартараф этиш мақсадида Тошкент Банк ҳисоб-кредит коллежи, Марғилондаги ва Термиздаги банк коллежларини тасарруфига олиб, уларни молиявий ва ўқув-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда.Ўқув режасидаги қўлланмалар ва фанлар дастурлари Давлат таълим стандартларига мос равишда ишлаб чиқилган. Ўқув юртларида мавжуд 68 та ўқув ва лаборатория хоналари кўргазмали қуроллар, техник ўқитиш воситалари. компьютерлар билан бойитилган. Ўқув юртларининг барчасида ётоқхоналар мавжуд бўлиб, керакли шароитлар яратилган.

Банк тизимига кадрларни танлаш, уларни тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш механизмини такомиллаштириш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси (ҳозирги "Истеъдод" деб номланган жамғарма) йўлланмаси билан хорижда ўқиб келган мутахассисларнинг ўрни жуда муҳим. 1998 йилдан буён ушбу жамғарма йўлланмаси билан Марказий банк тизими муассасаларига ишга жойлашган ёшлар сони 35 нафарни ташкил этади. "Истеъдод" жамғармаси Бошқаруви мажлисининг қарорига асосан чет эл олий ўқув юртларини битириб, Марказий банк тизимида 2-3 йилдан ортиқ вақт ишлаган ҳамда халқаро ташкилотлар, нуфузли хорижий ўқув юртларининг грантларини ютиб чиққан, республикамиз ижтимоий- иқтисодий йўналишида Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўша оладиган иқтидорли ёш мутахассислар чет мамлакатларда ишлаши, ўқиши ва илмий фаолиятини давом эттириши учун хорижга юборилади.

Устувор вазифалардан бири хориж тажрибасини синчиклаб ўрганиб, тизимга татбиқ этишдир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жаҳоннинг етакчи банклари ва ташкилотлари билан алоқа боғлаган. Бир неча йиллардан бери банк фаолиятининг долзарб масалаларини ўрганиш юзасидан техник ёрдам кўрсатиш доирасида Россия банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Жаҳон савдо ташкилоти, Япония халқаро ҳамкорлик маркази ҳамда шу мамлакат молия маркази билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Семинар, стажировка ва танишув сафарларида Марказий банк ва унинг ҳудудий Бош бошқармаларидан 1992- 1995 йилларда – 85, 1996- 2000 йилларда – 372, 2001- 2005 йилларда- 352 нафар мутахассис иштирок этди. 1996 йилдан бери Марказий банкда Япония банки, Мичиган Марказий университети, Франциянинг "Сосьете Женераль" банки мутахассислари иштирокида семинарлар ўтказиб келинади. Шунингдек, ҳар йили Дойче Бундесбанк референтлари иштирокида семинарлар уюштирилади. Шу кунга қадар Германия банки билан 21 та семинар уюштирилиб, унда банк ходимларидан 900 дан ортиғи ўз билим ва малакасини оширган. Австралия, Япония, АҚШ, Буюк Британия,Германия ва Швейцария каби мамлакатларда Халқаро валюта фонди, Япония ҳамкорлик маркази, Британия кенгаши, Америка Халқаро таълим кенгаши, Германия Академик тажриба алмашув хизмати, Жаҳон савдо ташкилоти кабиларнинг бир ва икки йиллик ўқув дастурлари бўйича ўқиб, магистрлик даражасини олган мутахассислар сони йилдан- йилга ортиб бораяпти. 1997-2005 йиллар давомида магистрантларнинг умумий сони 24 кишини ташкил этди. Ҳозирги кунда чет элда яна 8 нафар мутахассис магистратурада ўқимоқда. Касб-иқтисодий ўқув машғулотларида Марказий банк ҳузуридаги ва Минтақавий банк ўқув марказлари ҳамда хорижий мамлакатларнинг тажриба алмашув дастурлари бўйича йирик банкларда ўз малакаларини оширган Марказий банк раҳбарлари ва қатор мутахассисларнинг таассуротлари тинглаб борилиб, ўзаро фикр алмашилади. Бу эса ходимларнинг чет эл банклари тўғрисидаги таассуротларини бойитиб, хорижнинг илғор тажрибаларини республика банк тизимига татбиқ этишга имкон яратади.

Хуллас, ходим лавозимига муносиб ва юқори даражада профессионализмга эга бўлгандагина ўз зиммасига юклатилган вазифа ва талабларни муваффақиятли бажариши мумкин.

Кумуш ЖУМАЕВА.

Омонат ва Сармоя

Аҳоли учун махсус саҳифа

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ДЕПОЗИТЛАРИ БЎЙИЧА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ҚИЛИНАЁТГАН ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

2006 йил 1 апрел ҳолатига

Омонат (депозит) номи	Муддати	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал	Эслатма
ТИФ Миллий банки				
Пластик карточка		16	150	Фоизлар ҳар ойда капитализацияни ҳисобга олган ҳолда берилади.
«Таътил» *	3 ой	24	10000	Фоизлар ҳар ойда капитализацияни ҳисобга олмаган ҳолда берилади.
«Келажак» *	5 йил	25	1000	16 ёшгача бўлган болаларга очилади.
«Ният»		4,5		Автомобил қийматининг 50%и қўйилади.
«Омонлик» *	6 ой	20	50000	Фоизи қўйилган кунда (аванс) берилади.
«Омадли» *	2 йил	23	100000	
«Шифокор» *	6 ой	28	50000	Тиббиёт ходимларига очилади, фоизи муддати тугаганидан сўнг берилади.
«Кўпайсин» *	1 йил	21	200000	
Пахта Банк				
Муддатли	6 ой	18	50000	Фоизлар муддати тугагандан кейин берилади.
Муддатли	1 йил	20	50000	Фоизлар муддати тугагандан кейин берилади.
Муддатли	3 йил	21	50000	Фоизлар бир йилдан сўнг тўлаб берилади.
Муддатли	5 йил	22	50000	Олинмаган фоизлар асосий суммасига қўшиб борилади.
«Фаровонлик» *	3-6 ой	20-22	5000	Фоизни ҳар ойда олиш мумкин.
«Оқ олтин» *	6 ой	22	2000	Фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва маблағ қўйилган кунда 1 ой учун омонатчиларга берилади, маблағлар нақд пулда қабул
«Пахтакор» *	3 ой	25	1000	Фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар ойда омонатчиларга берилади, маблағлар нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади.
«Барака» *	3, 6, 9 ой ва 1 йил	14-20	20000	Фоизлар асосий суммага қўшилмайди, аванс тарикасида (олдиндан) ёки боскичма-боскич омонатчиларга берилади, маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Фоизлар йиллик 16дан 24гача сақланиш муддатига қараб тўланади.
«Баҳор» *	9 ой	20	20000	Омонат фақат нақд пулда қабул қилинади.
«Саховат» *	1 йил	22	20000	Фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар ойда омонатчиларга берилади.
«Навниҳол» **	1 йил	16	1000	16 ёшдан 25 ёшгача қўйилган маблағ олинадиган муддатида 50000 сўмга етса 10% қўшиб ҳисобланади.
«Болалар келажагимиз» **	1-5 йил	18-24	10000	Фоизлар ҳар 3 ойда берилади.
«Маиший тўлов» **	2 йил	30	коммунал ва бошқа	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда коммунал тўловларга
«Истеъмол кредит» *	2 йил	10		Омонатнинг миқдори "истеъмол кредит"ига олинаётган истеъмол молларининг 30%
«Автоомонат» **	3 йил	10		Автомобил қийматининг 50%и қўйилади.
Пластик карточка		18		Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчиларга берилади, нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади.
Ўзсаноатқурилиш банки				
«Максадли болалар омонати» **	10 йил	24	100	
«Сюрприз» ***		8	100	Йилига 2 марта ўйин ўтказилади.
«Тақдим этувчига» **	4 ой	24	100000	
«Қулай» *	3 ой	24-26,8	25000	Фоизни ҳар ойда олиш мумкин.
«Маиший хизмат тўловига» *	2 йил	30		
«КВ-1» *	1 ой	24		
«Фойдали» **	6 ой	28	100000	Қўшимча маблағ қабул қилинади.
«Сармоя» **	9 ой	24-32	50000	Капитализация билан.
«Танлов» *	6 ой	21	50000	Капитализация билан.
«Барака» *	1 йил	30-34,4	50000	Капитализация билан.
«Эффект» **	10 ой	28	100000	Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
Пластик карточка		8	100	
Visa Electron Пластик карточка		16		
Visa Classic Пластик карточка		24		
Ўзтадбиркорбанк				
«Сиҳат»	1 йил	24,0	1000000	Фоизлар ҳар чоракда берилади.
«Орзу» *	3 ой	24,0	50000	3 ойдан кам бўлмаган муддатга.
«Тадбиркор» *	6 ой	25,0	25000	
«Бинафша» *	45 кун	22,0		Фоизлар муддати тугаганидан сўнг берилади.
«Тежамкор-коммуналчи» *	2 йил	30,0		-//-
«Нуроний» *	1 йил	22,0		-//-
Савдогарбанк				
«Кафолатли даромад» *	6 ой	24,0	50000	1 ойлик омонатнинг фоизи қўйилган кунда берилади, қолгани муддати тугагандан кейин тўланади.
Муддатли	1 йил	26,0	75000	-//-
Муддатли	3 йил	26,0	100000	-//-
Муддатли	3 йил ва	28,0	500000	-//-
«Мўътабар аёл» *	1 йил	26,0	2000	-//-
Муддатли*	3 ой	22,0	1000	-//-
Муддатли	6 ой	24,0	2000	-//-
Муддатли	1 йил	26,0	5000	-//-
Муддатли	5 йил	28,0	10000	-//-
«Ишонч» *	3 ойдан	26,0	10000	-//-
«Автожамғарма»	3 йил	20,0		Кредит олиш учун.
«Фаровон ҳаёт»	Пластик карточка	16,0		
Ғаллабанк				
«Имконият» *	6 ой	18,0	10000	Омонат муддати тугагандан сўнг маблағга ўй-рўзғор ашёси, енгил автомобил, турар жойлар сотиб олиш мумкин.
«Саломатлик» *	11 ой	19,8	10000	фақат саёҳатга чиқиш ва саломатликни тиклаш учун сарфланади.
«Нафақа мададкор» *	1 йил	18,0	10000	Омонат фақат нафақахўрларга очилади.
«Ishonch» *	3 ой - 3 йил	18-20,4	10000-5000000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин: тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан устама тўлашга келишилади.
«Luks» *	3 ой - 3 йил	18,6-21	5000000-10000000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин: тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан устама тўлашга келишилади.
«Коммунал омонати» *	3 ой	21,6	100000	
«Жозиба» *	3 ой	22,0	200000	Фоиз омонат суммасига қўшиб берилади.
«Kafolat» *	3 ой - 3 йил	19,2-21,6	5000000 - 10000000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин: тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан устама тўлашга келишилади.
«Меҳригиё» **	18 йил	15,6	10000	Йилига 18% дан ҳисоблаб, капитализациясиз 18 ёшга тўлганда берилади. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади.
Пластик карточка	Талаб қилиб олингунча	МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида	1000	Фоизлар кунлик ҳисобланади, ой охирида капитализация қилинади.
«Коммунал омонатчи» *	3 ойдан юқори	21,6	100000	Коммунал хизмат тўловлари учун.
«Kelajak» **	16 йил	МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида	10000	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида бир йилда бир марта молия йили якунида тўланади.
Турон банк				
18 ёшгача болалар**	5 йил	16,0	1000	Фоизи 18 ёшга тўлгандан сўнг тўланади. Муддати 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.
«Ният» **	2 йил	5,0		Автомобил сотиб олиш учун кредит олишга мўлжалланган омонат.
«Келажак» **	3 йил	5,0	2000	Истеъмол кредити беришга мўлжалланган
«Омад кувончи» **		5,0	10000	Ютуқли омонат бўлиб, тираж ҳар 6 ойда ўтказилади.
«Кафолат» *	10 кун	23,0	10000	Ҳар ойнинг 25 санасидан кейинги ойнинг 5 санасигача.
«Нуроний» *	3 ой	23,0	50000	Қариялар учун мўлжалланган омонат.
«Орзу» *	3, 6 ва 12 ой	18,0	2000	Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг
«Имконият» *	1 ойдан 1 йилгача	21,0	50000	Фоиз даромадларини олиш муддатларини омонатчи белгилайди.
«Бинафша» *	1, 2, 3 ой	18,0	50000	Омонатчи сақлаш муддатини хоҳишига кўра белгилайди.
«Ўқувчи» *	2 ой	16,0	50000	Ўқувчиларни янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича омонат.
«Фаровонлик» *	2 йил	3,0	10000	Истеъмол кредити беришга мўлжалланган
«Ҳамкорлик» *	5 ой	23,0		Омоноат бўйича ҳисобланган фоизлар қисми коммунал тўловларга ўтказиб берилади.
Пластик карточка	талаб қилиб олингунча	20,0	3000	Депозитларга ҳисобланган фоиз даромадлари ҳар ойда капитализация қилинади.
Асака банк				
«Орзу» *	3 ой	22,0	5000	Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой ва ундан юқори.
Муддатли	6 ойдан 1 йилгача	22,0	1000	Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
Муддатли	1-3 йил	22,0	1000	Фоизи омонат ёпилганда тўланади.
Муддатли	3-5 йил	22,0	1000	Фоизи омонат ёпилганда тўланади.
«Табассум» *	45 кун	22,0	250000	Омонатнинг сақланиши 45 кун.
«Наврўз» *	2 ой	22,0	250000	
«Умид» *	3 ой	22,0	10000	Капитализацияси билан.
«Юбилейный» *	6 ой	22,0	150000	Омонат ҳар ойда тўлаб берилади.
«Автоомонат»	2,5 йил	12,0		Кредит олиш учун.
«Харидор»*	3 йил	12,0		Истеъмол кредитига мўлжалланган.
«Тақдим этувчига»*	3 ой	22,0	250000	Омонат ҳар ойда тўлаб берилади.
«Харидор»*	3 йил	12,0		Истеъмол кредити олиш учун мўлжалланган омонат тури. Маҳсулотнинг нархидан 50% кам бўлмаслиги керак.
Пластик карточка		16,0	1000	

** муддатли, ** жамғарма, *** ютуқли.*

DAROMADIM KO'PAYSIN DESANGIZ...

Ипотека-банк				
«Антиқа»*	1, 6, 12 ой	22,21,20	5000	
«Болажон»*	5 йил	16,0		18 ёшга тўлгунича.
«Истиқбол»*	2 ой	22,0	10000	
«Адолат»*	6 ой	20,0	100000	Бошланғич бадал ойма-ой тўлаб борилади.
«Жозиба»*	3 ой	21,0	50000	Муддати тугаганидан сўнг капитал билан қўшиб берилади.
«Маиший хизмат тўловлари»*	1 йил	24,0		
Пластик карточка		16,0		
Уйжойжамғарма-банк омонати		2,0		
Алоқабанк				
Муддатли	3 ой	22,0	1000	Фоизларни ҳар ойда олиши мумкин.
Муддатли	6 ой	22,0	1000	-//-
Муддатли	1 йил	23,0	1000	-//-
«Байрам»*	4 ой	20,0	1000	Энг кўп қўйиладиган омонат миқдори 10000000 сўм. Фоизлар ҳар ойда берилади.
«Хумо»*	12 ой	20,0	10000	Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«Махсус»		30,0	100	Бу омонатдан коммунал ва телефон тўловларига пул ўтказиш мумкин.
«Орзу»**	3 йил	3,0	20%ли Истеъмол кредити	Истеъмол кредити.
«Файзли»*	6 ой	21,0	10000	Ҳар ойда фоизлар тўланади.
«Шифокор»*	6 ой	22,0	100000	Фоизлар ҳар ойда тўланади.
«Тухфа»*	6 ой	20,0	100000	Капитализацияси билан.
«Яхши ният»**	6 ой	20,0	1000	Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«Бахтли болалик»*	3-17 йил	30,0	10000	1 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар учун.
Ипак йўли				
«Баҳор»*	1 ой	25,0		
Муддатли	3 ой	28,0	100000	Ҳар ой фоиз тўланади.
Халқ банки				
«Тақдим этувчига»*	3 ой	18,0	5000	Омонат ҳар ойда тўлаб берилади.
«Ташаккур»*	3 ой	18,0	5000	Тошкент вилояти учун.
Муддатли	6 ой	16,0	10000	Омонат муддати узайтирилса, мукофот тариқасида бошланғич бадал 2%га оширилади.
«Олтин водий»*	6 ой	18,0	50000	Фоиз олдиндан тўланади. Фарғона вилояти
«Пойтахт»*	100 кун	18,0	1000	Омонат шартини бузилса ва омонатини талаб қилиб олса, талаб қилиб олгунча фоиз ставкаси бўйича даромади тўланади.
«Мукофот»*	3 ой	18,0	5000	
«Имконият»*	1 йил	16,0	10000	1 йил муддатга фақат нақд пул қабул қилиниб 1 санага фоиз даромади ҳисобланади.
«Даромад манбаи»*	6 ой	22,0	100000	Фоизлар ҳар ойда тўланади.
«Ҳамкор»*	1 йил	22,0	300000	Фоизлар ҳар ойда тўланади.
«Фарзанд [illegible]»**	6 йил	16,0	10000	Фарзанд 7 ёшга тўлгунча амал қилинади.
«Мустақил ҳаёт»**	6 йил	16,0	10000	Фарзанд 16 ёшга тўлгунча амал қилинади.
Траст банк				
«Баҳор»*	1 ой	21,0	100000	Муддати тугаганидан сўнг капитал билан қўшиб берилади.
«Меҳр»*	45 кун	20,0	100000	Фоизлар муддати тугаганидан сўнг берилади.
«Марварид»*	3 ой	22,0	200000	Фоизлар муддати тугаганидан сўнг берилади.
"Оқ йўл"*	2 йил	12,0		Автомобилнинг нархидан 50%кам бўлмаслиги керак, кредит олиш учун.
Алп Жамол банк				
«Оила»*	1 йил	25	10000	
«Набира»*	3 йил	30	10000	
«Набира»*	3 йил	30	10000	
«Ёш авлод»*	5 йил	33	10000	
Равнақ банк				
«Олтин кўз»*	3 ой	30	200000	Фоизи муддати тугаганидан сўнг олинади.
«Севинч»*	3 ой	34	500000	15.04.2006 йилгача қабул қилинади.
«Барака»*	6 ой	33	300000	Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
Туркистон банк				
Муддатли	2 ой	24	50000	2 ойдан сўнг 6% қўшиб тўланади.
Муддатли	3 ой	24	5000	3 ойга 9% қўшиб тўланади, ўз вактида олмаса назоратчи томонидан иккинчи муддатга узайтирилади.
Муддатли	5 ой	25	5000	5 ойдан сўнг 11,7% қўшиб тўланади.
Муддатли	6 ой	24	5000	6 ойга 15% тўланади.
Муддатли	12 ой	26	10000	12 ойдан сўнг 26% қўшиб тўланади.
«Капитал плюс»*	6 ой	24	5000	Ҳар ойда 2,5% тўланади.
Капитал банк				
Муддатли	12 ой	24	500000	Фоизлар ҳар ойда тўланади.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ДЕПОЗИТЛАРИ БЎЙИЧА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ҚИЛИНАЁТГАН ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

2006 йил 1 апрел ҳолатига

Депозит тури	Муддати	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал	Эслатма
ТИФ Миллий банки				
Эгаси ёзилган (Именной)				Фоизлар белгиланган ставкалар бўйича чет эл валютасида тўланади.
Муддатли	1-2 йил	4,1	300-5000	
		4,25	5000-10000	
		4,75	10000 дан юқори	
Муддатли	2-3 йил	4,5	300-5000	
		4,75	5000-10000	
		5,5	10000 дан юқори	
Муддатли	3 ой	3	300-5000	
		3,25	5000-10000	
		3,75	10000 дан юқори	
Муддатли	6 ой	3,5	300-5000	
		3,75	5000-10000	
		4,25	10000 дан юқори	
"Хавас"**	1 йил	6	1000	3 ой муддатдан сўнг қўшимча маблағ қўйиш имконияти бор.
"Сармоя-1"*	45 кун	9	10000	Фоизлар сўмда тўлаб берилади.
"Сармоя-2"*	2 ой	8	5000	Қўшимча маблағ қабул қилинмайди.
"Фойдали"*	6 ой	7	5000	Фоизлар аванс тариқасида берилади.
Тақдим этувчига (на предъявителя)				
Муддатли	1-2 йил	3,5	300-5000	
		3,75	5000-10000	
		4,25	10000 дан юқори	
Муддатли	2-3 йил	4	300-5000	
		4,25	5000-10000	
		4,75	10000 дан юқори	
Муддатли	3 ой	2,5	300-5000	
		2,75	5000-10000	
		3,25	10000 дан юқори	
Муддатли	6 ой	3	300-5000	
		3,25	5000-10000	
		3,75	10000 дан юқори	
Ўзсаноатқурилишбанки				
Пластик карточка Visa Electron		2	50	
Visa Classic		2	50	
Муддатли	1 йил	6	100	
Асака банк				
Муддатли	1 йил	5,5	300-1000	Фоизи омонат ёпилганда тўланади.
Муддатли	1 йилдан юқори	6,5	1000-5000	Фоизини ҳар ярим йилда олиш мумкин.
Муддатли	1 йилдан юқори	7,0	5000 ва юқори	Фоизини ҳар ярим йилда олиш мумкин.
Ипотека-банк				
Муддатли	1-3 ой	2,5	1000	
Муддатли	3-6 ой	3,0	1000 юқори	
Муддатли	6-9 ой	3,5	1000 юқори	
Муддатли	9-12 ой	4,0	1000 юқори	
Муддатли	1-3 йил	5,0	1000 юқори	
Муддатли	3-5 йил	6,0	1000 юқори	
Муддатли	5 йилдан юқори	8,0	1000 юқори	
Туронбанк				
Муддатли	12 ой	4,0	500	Қабул қилиш, фоиз тўлаш чет эл валютасида амалга оширилади.
Муддатли	3 ой	6,0	100	Фоизлар тўлов кунига курс бўйича бўнак тариқасида берилади.
Муддатли	6 ой	8,0	500	
Муддатли	12 ой	10,0	1000	Курс бўйича бўнак тариқасида берилади.
Халқ банки				
Муддатли	1 йил	1,5	300	Фоиз даромадлари талаб қилиб олингунча омонатига белгиланган фоиз ставкаси.
Равнақ банк				
"Victory"	3 ой	8	500	
"Comfort"	6 ой	9	500	
"Garant"	9 ой	10	1000	
"Prestige"	1 йил	11	1000	
Ипак йўли банк				
"Фортуна"*	1 ой	4		Бутун фоизлар олдиндан тўланади
	2 ой	4		-//-
	3 ой	5		-//-
	4 ой	5		-//-
	5 ой	6		Чораклик фоизлар олдиндан тўланади
	6 ой	7		-//-
	7 ой	8	500	-//-
	8 ой	9	500	-//-
	9 ой	10	1000	-//-
	10 ой	10	1000	-//-
	11 ой	10	1500	-//-
	12 ой	10	2000	-//-
Капитал банк				
Муддатли	3, 6, 9 ой	6	400	% муддати тугаганда тўланади.
Муддатли	12 ой	8	500	% муддати тугаганда тўланади.
Муддатли	12 ой	9	500	% лар олдиндан аванс берилади. МБ курси бўйича сўмда тўланади.
Алп Жамол банк				
Муддатли	90 кун	8	500	МБ курси бўйича сўмда тўланади.
Алоқа банк				
Муддатли	3 ой	3		
Муддатли	6 ой	3,5		
Муддатли	12 ой	4		
Муддатли	1 йилдан юқори	5		

Ахборот ЎзР Марказий банки томонидан «Банк ахборотномаси» учун махсус тақдим этилди.

САНОАТДА ЯНА БИР САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Энергетика, металлургия ва кимё саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг асосларидан хисобланади. Юртимиз заминида Менделеев жадвалининг барча кимёвий элементлари мавжуд. 5-7 апрел кунлари Тошкентда ўтказилган "Металлургия. Кимё. Энергетика – Industrial Expo Uzbekistan 2006" Халқаро кўргазмаси ҳам шу соҳани ривожлантириш ва такомиллаштиришга бағишланди. Ушбу анжуман мамлакатимиз саноат соҳасида катта аҳамият касб этувчи йирик анжуман бўлиб, Тошкентда иккинчи маротаба ўтказилмоқда. Бу йил кўргазмада Ўзбекистон, Германия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина ва бошқа давлатларнинг 30 га яқин етакчи саноат корхоналари иштирок этдилар. Улардан Россиянинг "Мосэлектрощит", "НТЦ Механатроника", "Диамех 2000" каби компаниялари етакчи деб эътироф этилди.

Шунингдек, кўргазма доирасида Ўзбекистон-Россия бизнес-форуми бўлиб ўтди. Ушбу форумга Россия Савдо-саноат палатасининг бошлиғи раҳбарлигида 50 дан ортиқ Россия корхоналари вакиллари таклиф этилди. Уларнинг асосий мақсадларидан бири — бу ўзбек компаниялари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдир.

Ишонамизки, кўргазманинг ўтказилиши саноатнинг ривожланишига, ишбилармонларнинг тажриба алмашишларига, самарали хамкорлик алоқаларини ўрнатилишига катта ҳисса қўшади.

Эъзоз КАМОЛОВА.

ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ: ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАР САРИ

2006 йил 4-7 апрел кунлари Россия Федерацияси Савдо-саноат палатасининг вице-президенти Б. Н. Пастухов бошчилигидаги Россия ишбилармонларининг йирик делегацияси Ўзбекистон Республикасида бўлди. Делегация таркибида Россиянинг 18 та ҳудудидан 80 дан ортиқ тадбиркорлар, Россия Федерациясининг Москва, Пенза, Томск областлари, Олтой ҳамда Перм ўлкалари, Кузбасс, Урал ва бошқа ҳудудларининг Савдо-саноат палаталари раҳбарлари ташриф буюрди.

Россия делегациясининг ушбу ташрифи, россиялик ишбилармонлар ўзбекистонлик ҳамкорлари билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишга қизиқишлари катта эканлигининг яна бир исботи, десак хато бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикасининг асосий иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. 2004 йилда икки давлат ўртасидаги савдо айланмаси 1,6 млрд. АҚШ долларидан ортиқ миқдорни ташкил этган бўлса, 2005 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 2 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди. Ўзбекистон Республикасининг умумий савдо айланмасида Россиянинг улуши қарийб 22 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистонда Россия сармоядорлари иштирокида 433 та қўшма корхона ташкил этилган, шу билан бирга Россия ҳудудида Ўзбекистон инвестициялари билан тузилган 284 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, юртимизда 80 дан ортиқ Россия фирма ва компанияларининг ваколатхоналари очилган. Ўзбекистон-Россия қўшма корхоналари савдо, энергетика, суғурта, молиявий сектор, телекоммуникация, нефт-газ, кимё, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш, электротехника саноати ва шу каби кўплаб соҳаларда фаолият юритмоқда.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми" жамғармаси кўмаги билан икки давлат тадбиркор ва ишбилармон доиралари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган бир қатор тадбирлар ташкил этилди.

Жумладан, 2006 йил 5 апрел куни "Интерконтинентал" меҳмонхонасида вазирлик ва идоралар, йирик уюшмалар, Ўзбекистон ва Россия бизнесменлари иштирокидаги бизнес-форум бўлиб ўтди. Бизнес-форумда иштирокчилар диққатига Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва инвестицион салоҳиятининг тақдимоти ҳавола этилди.

Бизнес-форумнинг якунида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Савдо-саноат палаталари ўртасида халқаро тижорат арбитражи соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича битим имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Сўнгра худудлараро иқтисодий ҳамкорлик ҳамда ЕврАзЭС доирасида валюта-молиявий интеграция масалаларига бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилди.

Делегация ташрифининг дастури 2006 йил 6 апрел куни "Ле Гранд Плаза" меҳмонхонасида ўзбек ва Россия тадбиркорлари ўртасидаги кооперацион биржа билан давом этди. Кооперацион биржада томонлар икки тарафлама ҳамкорлик истиқболларини белгилаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини бевосита муҳокама этдилар.

Кооперацион биржа якунида тижорат арбитражи ҳамда Россия Федерацияси ҳудудида товарларни келиб чиқишини тасдиқловчи сертификатларни (сертификат происхождения товаров) расмийлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

Лайло АЗИЗОВА.

ЯНГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ БЎЙИЧА ТРЕНИНГ

БМТ Тараққиёт Дастури ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорлигида 2006 йил 6-7 апрелда ташкил этилган тренингда «Солиқ тизими ислоҳоти ва янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқиш» ва «Ўзбекистонда солиқ бошқарувини такомиллаштириш» лойиҳалари малакали мутахассислар томонидан изоҳлаб берилди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар шароитида солиқ сиёсати хўжалик ва молиявий жараёнларнинг йўналиши ва муваффақиятини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Шуни назарда тутган ҳолда 1997 йилда қабул қилинган амалдаги Солиқ кодекси бугунги кунда янги вазифалар ва ислоҳотларнинг устувор йўналишларига тўлиқ жавоб бермайди. Чунончи, Солиқ кодекси қабул қилинганидан буён унга 250 га яқин ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганини ва бундан ташқари 1300 дан ошиқ солиққа тортишга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганини ҳисобга олсак, ҳозирда солиқ қонунчилиги ўз тизимий хусусияти ва шаффофлигини йўқотаётганлигини кузатишимиз мумкин. Ушбу муаммоларни тўлақонли ҳал этиш мақсадида ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ўз олдига солиқ юкини камайтириш, барча хўжалик субъектларини бир текисда солиққа тортиш шартларини таъминлаш, солиқлар тузилмаси ва солиқ фоизларини оптималлаштириш, шунингдек солиқ сиёсатининг рағбатлантирувчи вазифасини кучайтиришни асосий мақсад қилиб қўйган.

Бу каби лойиҳаларнинг амалга оширилиши эса, республика журналистлари олдига жамоатчилик орасида кенг тарғибот ишларини олиб бориш вазифасини қўйиши табиий ҳол, албатта. Шу сабабли ҳам республикамизнинг турли бурчакларидан оммавий ахборот вакиллари таклиф этилганлиги тренингнинг янада қизиқарли ўтишига сабаб бўлди.

Икки кун давом этган ушбу анжуман якунида солиқлар ва солиққа тортиш соҳасида энг яхши мақола учун танлов эълон қилиниб, унинг натижалари йил охирида эълон қилиниши айтиб ўтилди.

Иброҳим ХОЛИҚОВ.

"ҒАЛЛАБАНК" РАТБ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Муҳим фактлар тўғрисидаги 05-сонли маълумот

Банк Акциядорлар умумий йиғилишининг 2006 йил 24 мартдаги 16-сонли йиғилиш баённомасига асосан банкнинг эгаси ёзилган оддий ва имтиёзли акцияларига 2005 йил якуни учун якуний дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

2005 йил якуни учун дивидендларни олишга ҳақли бўлган акциядорлар рўйхати 2006 йил 22 феврал ҳолатига тузилди.

Банкнинг эгаси ёзилган оддий акцияларига ҳар бир акциянинг номинал қийматига нисбатан 25 фоиз миқдорида (ҳар бир 100 сўмлик акцияга 25 сўмдан) ва имтиёзли акцияларга тўланган оралиқ дивидендлардан ташқари ҳар бир акциянинг номинал қийматига нисбатан 34 фоиз миқдорида (ҳар бир 100 сўмлик акцияга 34 сўмдан) белгиланиб, ушбу акциялар бўйича дивиденд тўловлари пул маблағи шаклида амалга оширилади.

Ушбу эълон қилинган дивидендлар бўйича тўлов 2006 йилнинг 17 апрелидан бошлаб РАТБ "Ғаллабанк"нинг барча филиаллари томонидан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИДА САВДОЛАР ҲАЖМИ ДЕЯРЛИ 1,5 БАРАВАР ЎСДИ

Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржасида (ЎзРТХБ) савдолар ҳажми 2006 йил январ-март ойларида 2005 йилнинг шу давридагига нисбатан 48,6 фоиз ўсиб, 210,283 млрд. сўмга етди (1 АҚШ доллари – 1212,51 сўм).

ЎзРТХБ бошқаруви раиси Тоҳир ТЎХТАБОЕВ шу ҳақда хабар берди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида энг катта сотиш ҳажмлари, пул билан ўлчаганда, ёнилғи-мойлаш материалларига – 189,411 млрд. сўм (ўсиш 31,8 фоиз), буғдой унига – 147,636 млрд. сўм (+28,8 фоиз) ва пахта толасига – 17,009 млрд. сўм (-44,7 фоиз) тўғри келди. Сотиш ҳажмлари бўйича кейинги ўринларда қуйидагилар туради: пахта мойи – 11,129 млрд. сўм (илгари савдога қўйилмаган), суюлтирилган газ – 9,568 млрд. сўм (+2,7 баравар), цемент – 7,179 млрд. сўм (+1,8 баравар), витаминлаштирилган буғдой уни – 7,145 млрд. сўм (илгари савдога қўйилмаган). Рангли металлар ЎзРТХБда 5,883 млрд. сўмлик (+25,1 фоиз), минерал ўғитлар – 5,693 млрд. сўмлик (+3,2 баравар), қора металлар прокати – 3,405 млрд. сўмлик (-26,1 фоиз), шакар – 3,261 млрд. сўмлик (-44,8 фоиз) сотилган.

"ЎзРТХБ" ОАЖнинг устав сармояси номинали 100 сўм бўлган 25 млн. дона оддий акцияни жойлаштириш ҳисобига 2,5 млрд. сўм миқдорида шакллантирилган.

"Туркистон-пресс" НАА.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
"Банк ахборотномаси" ва **"Банковские ведомости"** газеталари ва **"Бозор, пул ва кредит"** журнали таҳририяти ўзининг янги манзилини маълум қилади:
700084, Тошкент ш., F. Мавлонов кўч., 1а.
Мўлжал: **Муртазоев кўчаси билан кесишган чорраҳада.**
Телефонларимиз: **134-43-18, 134-75-19, 134-23-31**
e-mail: **bankingnews@tshtt.uz**

БАНК АХБОРОТНОМАСИ
АХБОРОТ–ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ
Тадбиркорликни ахборот билан қўллаб-қувватлаш "Заковат" ижтимоий жамғармаси

ТАҲРИР КЕНГАШИ:
Файзулла Муллажонов (Таҳрир Кенгашининг раиси),
Ашур Қодиров (Таҳрир Кенгашининг раис ўринбосари),
Равшан Охунов (Таҳрир Кенгашининг масъул котиби),
Раҳмон Каримов
Абдураҳмат Боймуротов
Баҳодир Хўжаев
Михаил Перпер
БОШ МУҲАРРИР
Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ
АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИЛАР:
ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА, «Иқтисодиёт ахборот агентлиги», «Бухоро-пресс» АА.
Реклама ва эълонлар учун **134-43-18** телефони орқали мурожаат қилинг.
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700000, Тошкент, F. Мавлонов кўчаси, 1а-уй.
e-mail: bankingnews@tshtt.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари таҳририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.
Таҳририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, "БА"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.
Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.
Ⓣ *Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.*

*Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида **137-тартиб рақами** билан рўйхатга олинган.*
Буюртма № Г-603
Тираж 7047 нусха.
Босишга рухсат этилди 11.04.2006 й.

Газета таҳририят ускуналарида саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. *Корхона манзили:* **Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
Босишга топширилди 12.04.2006. й. 9.00. 1 2 3 4 6